

Закот ҳақида ҳадиси шарифлар



15:52 / 22.03.2025 1661

يُنْبِئُ «مَلَسَ وَهِيَ لَعُ هَلَلَا لَصَّ هَلَلَا لُوسَرَ لَاقَ لَاقَ، أَمْ هَنَعُ هَلَلَا يَضَرَّرَ مَرْمُ عَنَّا نَع
، هَلَلَا لَمَاقِ إِي وَهَلَلَا لُوسَرَ أَدَمَّ مَنَّ أَوْ هَلَلَا لَاقَ لَاقَ نَدَاةَ شِ سَمَّخَ يَلَعُ مَاقِ لَاقَ
مَلَسَ مَوْ يَرَا حُبَّ لَاقَ هَاوَرِ. «نَاضَ مَرَّ مَوْصَوَّ وَجَّحَ لَاقَ، هَلَلَا لَاقَ عَاتِ يَاقَ

Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: **«Ислом беш нарсага бино қилинган: «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир», деб гувоҳлик бериш, намозни тўқис адо этиш, закот бериш, ҳаж қилиш ва Рамазон рўзасини тутиш»,** дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилган.

نَبِّئُ دَاعُ مَلَاقَ مَلَسَ وَهِيَ لَعُ هَلَلَا لَصَّ هَلَلَا لُوسَرَ لَاقَ لَاقَ، أَمْ هَنَعُ هَلَلَا يَضَرَّرَ مَرْمُ عَنَّا نَع
مُوقَ يَتَأْتَسَ كُنَّا: نَمَّيْ لَاقَ لَاقَ هَلَلَا لَاقَ عَاتِ يَاقَ

مَوِيَّ نَمَامَ: لَأَقَمَّ لَسَوَّهَ لَعْلَعْلَ لَصَّيْبِ لَلِ نَعْنَعُ لَلِ يَضَرَّ رَءِيْرُهُ يَبْأَنَعُ
أَفَلَخَ أَقْفُنْمَ طَعْمَهُ لَلِ: أَمْ هَدَّحَ لُوقِيَّ فِى نَزْنِيْدِنَا كَلَمِ الْإِهِيْ فِى دَابِغِ لَأَحْبُصِيْ
يَسْئَلُ سُنَّ لَأَوْ مَلْسُ مَوِيْرَاحُ بَلْأَهْ أَوْ. «أَفَلَتِ أَكْسُ مُمْ طَعْمَهُ لَلِ: رَحَّ أَلْ لُوقِيْ وَ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Бандалар тонг оттирган ҳар бир кунда албатта икки фаришта тушади. Улардан бири: «Аллоҳим, инфоқ қилувчига эваз бергин», дейди. Иккинчиси эса: «Аллоҳим, зикнага йўқотиш бергин», дейди».**

Бухорий, Муслим ва Насоий ривоят қилган.

قَدَّصَتْ أَمَ: لَأَقَمَّ لَسَوَّهَ لَعْلَعْلَ لَصَّيْبِ لَلِ نَعْنَعُ لَلِ يَضَرَّ رَءِيْرُهُ يَبْأَنَعُ
نِإِوْ هِنِيْمِيْ بِنْمَحْرَلِ أَهْدَحْ أَلِ - بِيْ طَلِ الْإِ هَلْ لَأَلْبُقِيْ أَلِ - بِيْ طَنْ مِ قَدَّصَبْ دَحْ أ
يَبْرِيْ أَمَكْ لَبَجَلْ نَمَ طَعْمَهُ نُوْكَتِ يَتَحْرَمُ حْرَلْ فَكْ يِ فِى وَبَرْتَفِ، رَمَتْ تَنَّاكْ
دَاوْ. يَسْئَلُ سُنَّ لَأَوْ يَذْمُرْتِ لَأَوْ مَلْسُ مَوِيْرَاحُ بَلْأَهْ أَوْ. «هَلْ يِ صَفْ وَ أَوْ هُوَ لَفْ مْ كَدَحْ أ
أَلْصَدَقَتِ وَيُرِيْ أَرْبُوا أَللَّهُ يَمْحُ: لَجَّ وَرَعْ هَلْ لَبَاتِكْ يِ فِى كَلْ ذُقِيْ دَصَتْ وَ: يَذْمُرْتِ لَلِ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Қай бир киши ҳалол-покдан садақа қилса (Аллоҳ ҳалол-покдан бошқани қабул ҳам қилмайди), албатта, Аллоҳ уни (садақани) ўнг қўли билан қабул қилиб олади. Агар у бир дона хурмо бўлса ҳам, худди тойчоғингиз ёки бўталоғингизни боққанингиздек, тоғдан ҳам катта бўлиб кетгунча Раҳмоннинг кафтида ўсади».**

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий ривоят қилган.

Термизий «Бунинг тасдиғи Аллоҳ азза ва жалланинг Китобидадир: «Аллоҳ рибони нобуд қилур ва садақаларни ўстирур»ни зиёда қилган.

Баъзи кишилар «Закот, садақа молни поклайди» деган тушунчани суистеъмол қилиб, ҳаром-харишдан топган молдан бироз садақа бериб қўйиб, «Энди молим пок бўлди», деб юрадилар. Бу тушунча тўғри эмаслигига ушбу ҳадис далилдир. Закот ва садақа қилинган нарсалар ҳалол молдан бўлгандагина қабул қилинади, у молни поклайди, унинг ўсишига, баракасига сабаб бўлади. Ўғрилик, порахўрлик, рибохўрлик, қимор, ҳаром нарсалар сотиш ва бошқа турли ҳаром йўллар билан топилган ифлос мол ҳеч нарса билан покланмайди.

قَفَنَ أَنْ مَ: لَأَقَمَّ لَسَوَّوْهَ لَعْلَلِ لَاصِّبِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع
لَهْ أَنْ مَ نَأَكْ نَمَف، رِي خِ آدَهْ، لَلِ لَدَبَعِ أَي: نَجَّ لِي فَي دُونِ، لَلِ لِي بَسِ فَي نِي جَوَز
نَأَكْ نَمَوَّ دَأَوَّجَ لَلِ بَأَبْ نَمَ يَغْدُ دَأَوَّجَ لَلِ لَهْ أَنْ مَ نَأَكْ نَمَوَّ، لَلِ لِي بَأَبْ نَمَ يَغْدُ دَأَوَّجَ لَلِ لَهْ أَنْ مَ
بَأَبْ نَمَ يَغْدُ دَأَوَّجَ لَلِ لَهْ أَنْ مَ نَأَكْ نَمَوَّ، لَلِ لِي بَأَبْ نَمَ يَغْدُ دَأَوَّجَ لَلِ لَهْ أَنْ مَ
بَأَبْ نَمَوَّ، لَلِ لِي بَأَبْ نَمَ يَغْدُ دَأَوَّجَ لَلِ لَهْ أَنْ مَ نَأَكْ نَمَوَّ، لَلِ لِي بَأَبْ نَمَ يَغْدُ دَأَوَّجَ لَلِ لَهْ أَنْ مَ
نَوُكَّتْ نَأُ وُجْرَأُو، مَعْنُ: «لَأَقَمَّ لَسَوَّوْهَ لَعْلَلِ لَاصِّبِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع
يُئِئِاسِّنُّ لَأَوَّيْ ذِمَّرْتْ لَأَوَّيْ مَسْمُورِي رَأَخُّ بَلُّ هَأَوَّرَ». «مُهْنَمُ»

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам шундай дедилар: **«Ким бир жуфт нарсани Аллоҳнинг йўлида инфоқ қилса, жаннатда нидо қилиниб: «Эй Аллоҳнинг бандаси, бу яхшилик», дейилади. Шунда ким намоз аҳлидан бўлса, намоз эшигидан чақирилади... Ким садақа аҳлидан бўлса, садақа эшигидан чақирилади. Ким рўза аҳлидан бўлса, Райён эшигидан чақирилади».** Шунда Абу Бакр Сиддиқ: «Эй Аллоҳнинг Расули, бирор киши ўша эшикларнинг ҳаммасидан чақирилишига зарурат йўқ-ку? Ўзи бирор киши ўша эшикларнинг ҳаммасидан чақириладими?» деди. **«Ҳа, сен ўшалардан бўласан, дея умид қиламан»**, дедилар».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий ривоят қилган.

تَيِّدًا إِذًا: لَأَقَمَّ لَسَوَّوْهَ لَعْلَلِ لَاصِّبِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع
يُذِمَّرْتْ لَأَوَّيْ هَأَوَّرَ. «كَيْ لَعْلَلِ لَاصِّبِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع»

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Молингнинг закотини адо қилган бўлсанг, зиммангдаги(бурч)ни бажарибсан»**, дедилар».

Термизий ривоят қилган.

هُ لَلِ لَاصِّبِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع، لَأَقَمَّ لَسَوَّوْهَ لَعْلَلِ لَاصِّبِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع
لُكَّ بَكْأَف، بَكْأَفُ مَثُ لَأَقَمَّ لَسَوَّوْهَ لَعْلَلِ لَاصِّبِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع، لَأَقَمَّ لَسَوَّوْهَ لَعْلَلِ لَاصِّبِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع
تَنَأَكْف، يَرْشُ بَلُّ هَوَّجَ وَي، هَسْ أَرْعَ فَرَّ مَثُ، فَ لَحَ إِذَامَ يَلَعِ يَرْدَنَ أَل، يَكْبِي أَنْ مَلْجَر
مُوصَيَّو، سَمَّ جَلَّ تَأَوَّلَ لَاصِّبِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع، لَأَقَمَّ لَسَوَّوْهَ لَعْلَلِ لَاصِّبِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع
يَنْجَلُّ بَأَبْأَهْ لَ تَحْتُفُ أَلِ عِبَّ سَلَّ رِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع، لَأَقَمَّ لَسَوَّوْهَ لَعْلَلِ لَاصِّبِي بِنِّ لِنَ ع، هُنَّ عُلَّ لَلِ لِي ضَرَّ رَ رِي رُهُ بِي بَأَنْ ع
يُئِئِاسِّنُّ لَأَوَّيْ هَأَوَّرَ. «مَالِ سَبِّ لُحْدًا: هَلَّ لِي قَف»

Абу Хурайра ва Абу Саъид розияллоху анхумодан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам бизларга хутба қилиб, **«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки»**, деб уч марта айтдилар. Кейин

бошларини қуйи солиб турдилар. Ҳаммамиз йиғлаб, бошимизни қуйи солиб турдик. У зотнинг нима учун қасам ичганларини билмас эдик. Охири бошларини кўтардилар. Юзларида севинч аломати бор эди. Бу биз учун қизил туялардан ҳам севимлироқ эди. Сўнгра: **«Қайси бир банда беш вақт намозини ўқиса, Рамазон(рўзаси)ни тутса, закотини чиқарса ва етти катта гуноҳдан четда бўлса, албатта, унинг учун жаннатнинг эшиклари очилади ва унга «Салом билан кир!» дейилади»,** дедилар».

Насоий ривоят қилган.

سَيِّلٍ «لَأَقْمَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَصَّيْبٍ لِّلَّ نَعُ، نَعُ لَلِ يَضْرِبُ دِيَّ سَيِّبٍ أَعُ
يُذْمَرُ لَأَوْ دَوَادُ وَبِأَوْ مَلْسُ مَوِّ رَاخُ بَلِّ أَوْ هَاوَرُ. «ةَقَدَّصْرُ قُسُ وَأَسْمَخَ نُوْدَ أَمِ يَفِ
يَسَّ نَلَّ أَوْ

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Беш васакдан камда садақа йўқ»**, дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Тирмизий ривоят қилган.

«Васақ» ўша вақтдаги оғирлик ўлчови бўлиб, бир васак 60 соъга тўғри келган. Бир соъ 2,176 килограмм бўлса, 60 соъ 130,560 килограмм бўлади. Уни бешга кўпайтирсак, 652,800 килограмм чиқади. Демак, зироат бойликлари 652 кг 800 гр оғирликка етмагунча улардан закот чиқарилмас экан.

سَيِّلٍ «لَأَقْمَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَصَّيْبٍ لِّلَّ نَعُ، نَعُ لَلِ يَضْرِبُ دِيَّ سَيِّبٍ أَعُ
يُذْمَرُ لَأَوْ دَوَادُ وَبِأَوْ مَلْسُ مَوِّ رَاخُ بَلِّ أَوْ هَاوَرُ. «ةَقَدَّصْرُ قُسُ وَأَسْمَخَ نُوْدَ أَمِ يَفِ
يَسَّ نَلَّ أَوْ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Муслмонга қулида ҳам, отида ҳам садақа (закот) йўқ»,** дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилган.

Муслим ва Аҳмаднинг ривоятида: **«Қулда фитр садақасидан бошқа садақа йўқ»,** дейилган.

نَعُ لَعْلَلِ سَمَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَصَّيْبٍ لِّلَّ لُؤْسَرٍ نَعُ، نَعُ لَلِ يَضْرِبُ دِيَّ سَيِّبٍ أَعُ
يُذْمَرُ لَأَوْ دَوَادُ وَبِأَوْ مَلْسُ مَوِّ رَاخُ بَلِّ أَوْ هَاوَرُ. «ةَقَدَّصْرُ قُسُ وَأَسْمَخَ نُوْدَ أَمِ يَفِ
يَسَّ نَلَّ أَوْ

أَدْحَ أَوْ أَلِيَّ صَفَّاهُنَّ مُدِقِّفِي آلِ تَنَّاكَ أَمَّ رَفَّوْأَ رَقْرَقِ عِاقِبِ أَهْلِ حَطْبٍ ءَمَّ أَيُّ قَوْلِ أَمْوِي نَاكَ
 نَاكَ مَوِي يَفِ أَهْلُ خُجْلَعِ دُرِّ أَهْلِ وَهَيْلَعِ رَمَّ أَمْ لُكْ ءَاهُ أَوْ فَبُ أَمْ ضَعَّتْ وَ أَوْ فَا فِ خَّ أَبُ هُوَ طَت
 ءَنْ جَلَّ لِي لِي أَمْ هُوَ لِي بَسَّ يَرْيَفِ ءَدَابِ عِلَّ نَبِيَّ بَ يَضُّ قِيَّ يَّتَحَرَّ نَسَفَلَّ أُنَيْ سَمَّ حُ هُوَ رَادِّمْ
 أَلِ وَرَقِبَ بِحِصِّ أَلِ وَ: أَلِاقُ؟ مَنَّ عِلَّ أَوْ رَقِبَ لَفِ ءَلِ لَلِ لُؤْسَرَّ أَيُّ: لِي قِ ءَلِ أَلِ لِي أَلِ أَمْ إِي
 دِقِّفِي أَلِ رَقْرَقِ عِاقِبِ أَهْلِ حَطْبٍ ءَمَّ أَيُّ قَوْلِ أَمْوِي نَاكَ إِذَا أَلِ ءَاهُ قَحَّ أَهْنَمَّ يُّ دُوِّي أَلِ مَنَّ
 هُوَ طَت وَ ءَاهُنَّ وَرَقِبُ هُوَ حَطْنَتُ ءَبَّ ضَعَّ أَلِ وَ ءَخْلَجَ أَلِ وَ ءَصَّقَعَ أَهْفَ سَيْلِ ءَأَيْ شِ أَهْنَمَّ
 فَلَ أُنَيْ سَمَّ حُ هُوَ رَادِّمْ نَاكَ مَوِي يَفِ ءَاهُ أَوْ هَيْلَعِ دُرِّ أَهْلِ وَهَيْلَعِ رَمَّ أَمْ لُكْ ءَاهُ أَلِ طَبَّ
 هُوَ أَوْ. «رَأْنِ لِي لِي أَلِ أَلِ أَمْ هُوَ لِي بَسَّ يَرْيَفِ ءَدَابِ عِلَّ نَبِيَّ بَ يَضُّ قِيَّ يَّتَحَرَّ نَسَفَلَّ
 يُّ ءَأَسَّ نَلَّ أَوْ دُوَادُ وَبُ أَوْ مَلَّ سَمَّ وَ يَرَا حُبَّ لِي

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам: **«Қайси бир тилла ёки кумуш соҳиби унинг ҳақини адо этмас экан, албатта, қиёмат кунида унинг учун оловдан бўлган тахтачалар тайёрланади. Улар жаҳаннам оловида қиздирилади. Сўнгра улар пешонасига, икки ёнбошига ва орқасига босилади. Совиб қолиши билан (яна қайтадан қиздирилиб), унга қайтарилади. Миқдори эллик минг йил бўлган кунда одамлар орасида ҳукм чиқарилгунча шундай қилинади. Кейин йўлини билади: ёки жаннатга, ёки дўзахга бўлади»**, дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, туя-чи?» дейишди. У зот: **«Қайси бир туя соҳиби ҳам унинг ҳақини бермаса, сувга борган куни уни соғиш ҳам ҳаққидандир. Албатта, қиёмат қоим бўлганда уни у(туя)ларнинг олдига теп-текис, сип-силлиқ ерга ташлаб берилади. Уларнинг ҳаммаси, битта бўталоғи ҳам қолмай, тўлиқ бўлади. Уни туёқлари билан босадилар, оғизлари билан тишлайдилар. Унинг устидан бири ўтса, бошқаси қайтиб келаверади. Миқдори эллик минг йил бўлган кунда одамлар орасида ҳукм чиқарилгунча шундай қилинади. Кейин йўлини билади: ёки жаннатга, ёки дўзахга бўлади»**, дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, қорамол ва қўй-чи?» дейишди. **«Қайси бир қорамол ва қўй соҳиби ҳам ундан ҳақини бермаса, албатта, қиёмат куни у уларнинг олдига теп-текис, сип-силлиқ ерга ташлаб берилади. Улардан бирортаси ҳам қолмайди. Уларнинг ичида шохи буралгани, шохсизи, шохи сингани бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси шохи билан уни сузади ва туёғи билан тепкилайди. Унинг устидан бири ўтса, бошқаси қайтиб келаверади. Эллик минг йил(га тенг) бўлган кунда одамлар орасида ҳукм чиқарилгунча шундай қилинади. Кейин йўлини кўради: ёки жаннатга, ёки дўзахга»**, дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривоят қилган.

هُنَّ أَتَبَّ بَرُّهُ لَاقٍ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ صَبَّ لَيْلٍ نَعُ هُنَّ عُلُ لَلِ يَضَرَّ رِيَّ بَأَنْ ع
بَرُّهُ لَاقٍ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ صَبَّ لَيْلٍ نَعُ هُنَّ عُلُ لَلِ يَضَرَّ رِيَّ بَأَنْ ع
وَلَا تَمُتْ مَتَّ كُنْزَنَكَ أَنْ أَلَامَ أَنْ أَلُوقِي مَتَّ هِيَ مَزُولُ دُخَانِي مَتَّ هِيَ مَزُولُ مَوِي هُوَ وَطِي
مَلَسَ مَوِي رَاخُ بَلْ أَوْرَ . اَلْفَيْكَمْ يَوْمَ يَدُ بَحْلُوا مَا سَيُطَوَّفُونَ هُمْ سَرُّهُ بَلْ هُمْ خَيْرًا هُوَ فَضْلُهُ . مِنَ اللَّهِ ءَاتَلَهُمْ بِمَا يَبْخُلُونَ الَّذِينَ يَحْسَبَنَّ
يَسْئَلُ اسْنَ لَأَوْ يَذْمُرْتَلْ أَوْ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Кимга Аллоҳ молу дунё берса-ю, закотини адо қилмаган бўлса, қиёмат куни у унга кўзойнакли илон бўлиб кўринади. Унинг икки қозиқ тиши чиқиб туради. У қиёмат куни бўйнидан бўғиб олади. Сўнг икки жағ суюгидан тишлаб туриб: «Мен сенинг молингман! Мен сенинг тўплаган хазинангман!» дейди»,** дедилар, сўнгра **«Аллоҳ уларга Ўз фазлидан берган нарсада бахиллик қилганларга уни яхшилик деб ҳисобламанглар. Аксинча, улар учун ёмонликдир. Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари билан (бўйинлари) ўралур»** оятини тиловат қилдилар».

Бухорий, Муслим, Термизий ва Насоий ривоят қилган.

لَاقٍ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلُ لَيْلِ صَبَّ لَيْلٍ نَعُ هُنَّ عُلُ لَلِ يَضَرَّ رِيَّ بَأَنْ ع
لَبَّ إِلَهُ نُونُكَتِ لُجْرُ نَمَام - فَ لَحَامِكُ وَأُ هُزِّيَغَ هَلِ إِلِ يَدْلُ أَوْ وَأُ - هَدِي بِي سَفَنِي دَلْ أَوْ
هُنَّ مَسْأَوْ نُكَتِ أَمَ مَطْعَأُ هِيَ مَزُولُ مَوِي هِيَ تَأُ إِلِ أَلِ قَحِيَّ دُوِّي إِلِ مَنَعُ وَأُ رَقَبُ وَأُ
يَتَّحَاهُ أَلِ وَأُ هِيَ لَعْلَلُ تَدُرُ ، أَلِ أَلِ تَزَاجِ أَلِ كُ ، أَلِ وَأُ رُقُبُ هُ حَطْنَتَو ، أَلِ وَأُ فِ حَابُ هُ وَطَط
يَسْئَلُ اسْنَ لَأَوْ يَذْمُرْتَلْ أَوْ مَلَسَ مَوِي رَاخُ بَلْ أَوْرَ . «سَأَلُ لَأَنْ يَبِي يَضْرُقِي

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига етиб бордим. У зот: **«Жоним қўлида бўлган Зотга қасамки»** ёки **«Ўзидан бошқа илоҳ йўқ бўлган Зотга қасамки»** ёки шунга ўхшаган бир қасам ичдилар-да: **«Кимнинг туяси ёки қорамоли ёки қўйи бўла туриб, ҳаққини адо қилмаса, қиёмат куни ўшалар энг катта ва семиз ҳолида келтирилади. Улар уни туёқлари билан депсайдилар, шохлари билан сузадилар. Қачон унинг олдидан охиргиси ўтса, олдингиси қайтиб келади. Одамлар орасида ҳукм чиқарилгунча шундай давом этади»,** дедилар».

Бухорий, Муслим, Термизий, Насоий ривоят қилган.

«Мўминнинг нажоти» - муфассал закот китобидан